



ХАВАР

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1997 йил, 31 октябрь № 44 (272)

Сотувда нархи эркин

ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистонлик алоқачилар италиялик ишбилармонлар билан қарийб уч йил давомида қўшма корхона тузиш борасида музокаралар олиб боришди. Бу масалалар ниҳоят шу йилнинг сентябрь ойи урталарида ўз эчи-

тармоқларини ривожлантириш борасидаги узаро муносабатларнинг янги саҳифаси очилди.

Яқинда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар Агентлигида «Удинет» қўшма корхонасини тузиш бўйича таъсис ҳужжатларини

ноб Лотар Линкамп ва шу фирманинг молия ишлари бўйича директори, жаноб Ханс Юрген Клаагелар имзолашди.

«Удинет» қўшма корхонаси епиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бўлиб, шаҳарлараро ва



мини топди. Юртимизга ташриф буюрган Италия Бош вазирининг жаноби Романо Проди билан ушбу қўшма корхонани тузиш тўғрисидаги ҳукуматлараро Меморандум имзоланди. Оралдан бир ой ўтгач, яъни — 1997 йилнинг 20 октябрида Ўзбекистон Республикаси Вазирдан Фаҳрамасининг шу масалага оид тегишли қарори чиқди. Шу тариқа Ўзбекистонда хорижий ҳамкорлар билан телекоммуникация

имзолаш маросими бўлиб ўтди. Ҳужжатларни Ўзбекистон томонидан Республика почта ва телекоммуникациялар Агентлигининг Бош директори А. Ҳ. Журабоев, «Халқаро телеком» акционерлик компаниясининг бош директори М. А. Холмуратова, Италия томонидан «Стет Интернейшнл Нидерландлар» компаниясининг бош директори жаноб Массимо Мазини, Германия томонидан Сименс АГ департаментининг директори, жа-

халқаро алоқалар бўйича хизмат курсатади. Қўшма корхонанинг Низоом жамғармасида Ўзбекистон ва хорижий ҳамкорларнинг улуши тенг, яъни 50 фоиздан қилиб тақсимланган. Шартнома муддати 15 йилга мулжалланган.

Анатолий КУДИНОВ,
Суратни Солиҳ ЗОИР
олган

Тошкент электротехника Алоқа институтида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишининг 8 йиллигига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Шу муносабат билан институт биноси ва анжуманлар зали байрамона безатилиб, Республика марказий нашриётлари томонидан ижтимоий-гуманитар, табиий ва техника фанлари бўйича чоп этилган дарслик, қўлланмалар, институт профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланиб нашр этилган 200 дан ортиқ дарслик, ўқув ва ўқув-усулий қўлланмалар ҳамда уларнинг маънавият ва маърифат масалалари бўйича республика газетажурналларида босилган мақолалари кўргазмаси ўтказилди.

ТИЛГА ЭЪТИБОР — ЭЛГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон почта ва телекоммуникация Агентлиги, Юнусобод тумани ҳокимлигидан ташриф буюрган меҳмонлар, институт профессор-ўқитувчилари, ходимлари ва талабалари иштирокида ўтган анжуманда филология фанлари доктори Нишонбой Хусановнинг «Ўзбек тилининг шаклланиш тарихи», институт «Давлат тили» ҳайъатининг масъул ижрочиси, доцент Неъматулла Юнусовнинг «Тилга эътибор — элга эътибор» мавзуларидаги маърузалари тингланди. Институт ректори, академик Т. Д.

Ражабовнинг буйруғига биноан «Давлат тили ҳақида»ги Қонунни амалга оширишда ва ўзбек тилини ўрганишда ўрнатилган бир гуруҳ ўқитувчи, ходим ва талабалар мукофотланди, уларга эсдалик совғалари топширилди. Анжумандан сўнг талабалар бадиий ҳаваскорларининг катта концерти бўлиб ўтди. Тошкентда она Ватанимиз ва тилимиз ҳақидаги шеърлар, куй-қўшиқлар катта таассурот қолдирди.

А. АБДУРАҲМОНОВ

САМАРҚАНД ДУНЁ БИЛАН СЎЗЛАШМОҚДА

Самарқандликлар энди бир зумда дунёнинг исталган бурчаги билан телефонда сўзлаша оладилар, телекс, факс орқали хабарлар жўнатадилар ёки қабул қилдилар. Индонезияликлар билан ҳамкорликда бунёд этилган янги Алоқа уйи фойдала-

нишга топширилгач, ана шундай имконият вужудга келди. Янги иншоотда хориждан келтирилган энг замонавий ускуналар ўрнатилган, улар халқаро сўзлашувларнинг юксак даражада сифатли бўлишини таъминлайди.

Улугбек НОРБООБОВ

«Сарабий» алоқа бўлимимизда 1998 йил учун обуна қилиш айна қизгин паллага кирди. Бўлимимиз бошлиғи Воҳид Мамбетов, почтачилардан Фарход Сайидов ва мен мусобақа асосида матбуот нашрларига обуна қилишимиз. Узимиз хизмат курсатадиган ҳудуддаги корхоналар, маҳалалар, оилаларнинг қайси газета ва журналларга эҳтиёжи борлигини яхши билганимиз учун ҳам ишимиз самарали бўляпти. 1200 нафар нафақачиларга нафақа пулларини етказиш билан бирга, қизиқарли газета ва жур-

ОБУНА ҚИЗГИН

налларга обуна бўлишни ҳам тақдир қиламиз. Газ ва электр қуввати учун хизмат ҳақларини оламларнинг уйига бориб йиғяимиз. Ҳозир кўпчилик «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози», «Оила ва жамият», «Қалб қузи» ва туманимизда нашр қилинадиган «Давр кузгуси» газеталарига обуна бўлишяпти. Ҳамдустлик мамлакатларининг матбуот нашрларига ҳам талаб катта. Узимизнинг севимли «Хабар» газетамизга ҳозиргача 107 нафар киши езилиди.

Алоқа бўлимимиз барча қўлайликларга эга бўлган туртта хонадан иборат. Обуначилар учун ҳам битта хона ажратилган. Уларга даврий нашрлар ҳақида маълумотлар бериб бориётимиз. Бу эса обуна мавсумини муваффақият билан якунлашга эрдан беради.

Озод МАДРАҲИМОВ,
Қорақалпоғистон
Республикаси
Элликқалъа туманидаги
«Сарабий»
алоқа бўлимининг почтачиси

ОЛАМДА НИМА ГАП? — Янгиликлар - Воқеалар - Хабарлар

- Матбуотда «Капитал қурилиши ташкил этишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.
- Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримовнинг тақдирига биноан Венгрия Республикаси Президенти Арпад Гёнц шу йил 29 октябрь — 1 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.
- Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни амалга киритилди.
- Россияда Украинанинг Россия Федерациясидаги маданият кунлари бўлиб ўтмоқда.
- Душанбе шаҳри марказида, миллий яраш бўйича комиссия жойлашган бинодан бир неча метр нарида набатдаги портлаш юз берди. Ушбу портлаш чоғида ҳаракат қилаётган троллейбус шикастланди, бир аёл жароҳат олди. Бу 10 сентябрдан бунд Душанбе шаҳрида юз берган 15-портлашдир. Ҳозирча ушбу кўпуровчилик ҳақаратини солид этганларнинг бирортаси аниқланмади.
- Озарбайжон Мустақиллиги кўни арафасида Озарбайжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев амнияти ҳақидаги Фармонга имзо чекди. Ушбу Фармонга кура 7 мингдан ортиқ маҳбус озодликка чиқди. Шулардан 3 мингдан кўпроги аёллар ва кексалардир.
- Туркия ва Қирғизистон дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолади.
- Утган жума кўни АҚШнинг Миссиссипи штатида энг баланд телеминарлардан бири тўсатдан кулаб тушди. Ушбу фалокат оқибатида миноралда ишлаётган учта монтажчи ҳалок бўлди. Бундан ташқари, минора яқинидаги бир қанча уйлар шикастланди. Фалокат сабаблари аниқланмади.

• Обуна — 98

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Алоқа хизматидаги муаммолар, янгилик ва ўзгаришлар, соҳанинг заҳматкаш фидойилари, ижтимоий-сиёсий воқеалар, маънавият олами, боқий қадриятлар тўғрисида мунтазам ўқиб бориш ҳамда ҳафталик теледастур билан танишишни истасангиз, «ХАВАР» газетасига обуна бўлишни унутманг!

ОБУНА БАҲОСИ:

Якка тартибдаги обуначилар учун:	Ташкилот ва корхоналар учун:
1 ойга 43, 6 ойга 258, 12 ойга 516 сўм.	1 ойга 82, 6 ойга 492, 12 ойга 984 сўм.
Нашр кўрсаткичи: 227	Нашр кўрсаткичи: 228

• Шу сонга шошилиночнома

«Олтиариқ тумани почта алоқа боғламасининг 90 нафарлик жамоаси тўлиқ «Хабар» газетасига обуна бўлдилар.

Боғлама бошлигининг уринбосари
Раҳмонали РУСТАМОВ

ТАНИМАСНИ СИЙЛАМАС

Тошкент электротехника Алоқа институтини битириб, Хоразмга йўланма олдм. 1969 йилнинг январи жуда совуқ келган, эгнимда эски пўстин, оёғимда каттакон этик, Хоразм вилояти алоқа бошқармасининг бош муҳандиси Уткир Холматов қабулхонасида узоқ кутиб қолишимга тўғри келди. Афтидан, бу ердаги ходимлар ҳам, бош муҳандис ҳам мени узоқ қишлоқдан шундай совуқда эринмай келган шикоятчи абонентлардан бири бўлса керак деб ўйлашди. Ниҳоят, бош муҳандис қабулгоҳига кирдим. Мен салом бердим-у, индамай бориб стол устига янгигина дипломни қўйдим. Уткир ака бир менга, бир дипломга қараб, ўтиришга таклиф этди. Дипломни синчилаб қараб чиққач, шаҳарлараро телефон станциясида ишлаганини айтди. Мен шаҳар телефон станциясига ишга қўйишларини илтимос қилдим. Ёш мутахассиснинг иш танлаши бош муҳандисга ёқмади шекилли, гапни чўзиб ўтирмай, ходимлар бўлимини бошлагича ҳужжатларини расмийлаштиришни буюрди.

Муҳандислик фаолиятини шу тариха шаҳарлараро телефон станциясида бошланди. Бир куни эшик очилиб, уч-тўрт киши кириб келишди. Уларнинг орасида Алоқа вазирилик шаҳар ва қишлоқ телефон алоқаси бўлимининг ўша даврдаги бошчилиги С.Е.Буравский ҳам бор эди. Мен Тошкент шаҳар телефон тармоғида ишлаб юрган кезларимда у киши билан танишиб қолган эдим. Биз

УМР ЛАХЗАЛАРИ

(Урганч шаҳар ва шаҳарлараро телефон станцияси бош муҳандиси Йўлдош ОТАЖОНОВНИНГ алоқачилик фаолиятидан лавҳалар)

эски қадронлардек кўришиб кетдик.

— Йўлдош, бу ерда нима қилаясан? — сўради Сергей Ефимович.

— Ишлаяпман.

— Сен АТСда ишлашинг керак эди-ку!

Мен индамай бош муҳандисга қарадим. Буравский гап қаердалигини дарров тушунди ва ёш мутахассисларни ихтисоси бўйича ишга қўймаганлиги учун бош муҳандисни койган бўлди. Мени эртасигаёқ АТСга ўтказишди.

СУНЬИЙ ТҶСИҚЛАР

1969 йилнинг май ойида Урганч шаҳар АТСига катта муҳандис лавозимига тайинландим. У вақтларда олий маълумотли мутахассислар жуда кам эди, шу боис муҳандислик лавозимларида алоқа техникумини (ҳозирги Алоқа коллежи) тугатганлар ишлар эди. АТС ҳам бундан истисно эмасди. Мен АТСда институтни тугатган биринчи муҳандис эдим. Жуда қувониб, кўтаринки руҳ билан иш бошладим. Кувончим узоққа бормади. Аста-секин унинг ўрнини ажабланиш эгаллай бошлади. Гап шундаки, АТСга келгунимча муҳандислик вазифасида ишлаб келган, ёши мендан анча катта одам ҳамон шу ерда ишлар, фақат лавозими бироз пасайган эди. АТС жамоасининг ҳам бу киши билан «тили бир» эди.

Урганч АТСи бор-йўғи 2000 абонентга мўлжалланган, декадали-одимлаб ишловчи АТС эди. Бахтимга Тошкентда ишлаб юрган кезларимда 66-АТС муҳандиси Ҳаким ака Исамухамедовдан кўп нарсаларни ўрганган, ҳар қандай носозликларни ҳам аниқлаб, тузата олар эдим. Одатда катта АТСларда тунги наватчилар режадаги профилактика ишларини қай даражада адо этганликларини аниқлаш мақсадида муҳандислар баъзи платаларда релеларнинг контактларига қоғозлар қўйиб кетишар, натижада бу плата ишлар, лекин абонентларга зарари тегмасди. Эрталаб ишга келган муҳандис шу носозликларни аниқлаган ёки аниқламаганига қараб тунги смена ишга баҳо берарди. Бу кўпгина АТСларда оддий воқеа бўлиб, ходимлар ҳам кўниқиб қолишган эди.

Мен эса бутунлай бошқача манзарага дуч кела бошладим. Бирин-кетин ўзидан-ўзи ҳеч қўтилмаган носозликлар пайдо бўла бошлади. Бир куни бир масъул ходимнинг телефонига кўнғироқ етиб бормаиди дегун бўлиб қолди. Кундалик текширувларда, бунинг устига, носозлик ҳақида шикоят тушмасди, бундай носозликни билдиришгиз қийин. Эрталаб ишга келишим билан бошлиқ чақириб, роса «пўстагимни қоқди». АТСга келиб қарасам, бу атайин қилинган носозлик бўлиб чиқди. Жа-

моа билан жиддий гаплашиб олишга тўғри келди. Орадан бир неча кунгина ўтди, халос. Ҳарбий комиссариатдан қақирув қоғози келди. Гарчи институтда ҳарбий таълимни ўтаб, лейтенант унвонига эга бўлсам ҳам, икки йил армияда хизмат қилишга тўғри келди. Алоқа соҳасида хизмат қилиб, катта тажриба ортириб, яна аввалги ишимга қайтдим. Шундан кейин аввалги муҳандис билан яна бир киши бошқа ишга ўтиб кетишди. АТСда ишлар бир маромда кета бошлади. Кунлардан бир кун ҳарбий комиссариатда хизмат қилувчи бир майор келиб қолди. Телефони ишламай қолган экан. Дарров тузатириб бердим. Гап орасида майор менинг армияга кетишимга сабабчи бўлган одамнинг номини айтиб қолди. У мен АТСга келгунимча муҳандис бўлиб ишлаган одам бўлиб чиқди.

ТУНГИ ЧАҚИРИҚЛАР

1975 йилнинг ёзи эди. Телефон тинмай жиринглаб қолди. Сакраб туриб гўшақни кўтардим. АТС наватчиси зудлик билан станцияга етиб келишимни айтди. Соат тунги иккидан ошган. Транспорт йўқ. Ҳаллоқлаганча станцияга кириб борганимда наватчи сигнал қақирув қурилмасида (СВУ) реле ёниб кетганлигини айтди. Дарҳақиқат, битта реле қол-қорайиб кетган, платанинг ҳам бир-икки

ерида монтаж симларининг устки химоя қўбиги эриб, бир-бирига ёпишиб қолган эди. Заҳирада тайёр бундай плата йўқ. Релени алмаштириш, носозликни бартараф этиш учун эса платани бутунлай чиқариб олиш керак. Бу эса станциянинг юраги бўлмиш сигнал машиналарини тўқатиш, соддароқ қилиб айтсак, АТСни ўчириш деган гап. Одатда шаҳар АТСлари ҳеч қачон ўчирилмайди. Бунга ҳеч ким журъат қилолмайди.

Мен виллоят партия кўмитасига — наватчига телефон қилдим. У ҳам масъулиятини ўз зиммасига олишдан чўчиди чамаси, бироз ўйланиб, иккинчи телефонда кимгадир кўнғироқ қилди ва ниҳоят, станция қанча вақтга ўчирилиши кераклигини сўради. Мен ярим соат етарли эканлигини айтдим. Рухсат тегди. Навбатчи иккалаимиз зудлик билан ишга киришиб кетдик. Орадан 15 дақиқа чамаси вақт ўтди. Платани жойига қўйиб, станцияни ишга туширдик. Виллоят партия кўмитасидаги наватчига кўнғироқ қилиб, авария бартараф этилганини айтдим. Шундан кейингина стулга ўтириб қолдим. Терлаб кетганимдан аъзойи баданим жижжа хўл эканлигини сездим. Бир пиёла муздек кўк чой ичиб, ховури бироз босилгандек бўлди. Ташқарига чиқдим. Осмонда юлдузлар чаррақлар, ҳаммаёқ жимжит, шаҳар тонги ширин уйқу оғушида эди...

Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
ёзиб олди,
Хоразм вилояти

• Обуна-98

ОБУНАЧИНИНГ УЧДАН БИРИ «ХАБАР» МУХЛИСИ


Ҳозир ҳеч ким бир-бирини упука-гина қиладиган замон эмас. Бозор иқтисодиетидаги утиш арафасидаги турмуш ташвишлари кўнчилиқ учун узига ҳос бир синов бўлиб қолди. Бугунги кунда имон-эътиқоди бақувват, маърифатпарвар кишилар маънавиятини ҳар қандай бойликдан устун қўётганлиги кувончли воқеалар.

Обуначилар сафи қанча қулайса, мамлакатимиздаги айланма пул маблағи шунча ошадди. Охир оқибатда ишчи-хизматчилар, фахрийлар иш ҳақи, нафақаларини ўз вақтида олади. Ана шу ҳаётини ҳақиқатини онгли равишда тушунган Самарқанд вилояти, Пастларгом туманидаги Амир Темур номли жамоа хўжалиги аъзолари 1998 йил учун 67 миң сумлик матбуот нашрларига обуна бўлдilar. Ҳисобкитоб қилинганда мавжуд обуначиларнинг учдан бир қисми «Хабар» газетаси муҳлиси бўлиб чиқди. Насибали Эмомшинова, Улжон Усмонова, Мамалар Азимов, Расул Хужақулов, Бозор Мухаммадиев, Раҳмат Сориев, Оброй Ҳақбердиев каби

ушлаб меҳнат ва уруш фахрийлари «Хабар»нинг садоқатли муҳлислари экан. Янги йил обуначисини уюшқоқлик билан утказишда Катта Найманча алоқа бўлимининг бошлиғи Нурмат Иброҳимов алоҳида жонбозлик кўрсатган.

Худди шу жамоа ҳужалигининг Кичик Найманча қишлоғида истиқомат қиладиган меҳнат фахрийси Ибодулло Азимов хонадонни матбуотсевар оила сифатида танилган. Улар ҳар йилгидек, бу йил ҳам 1998 йил обуначисини барвақт тугатлашлар. Хонадон соҳибининг ўзи «Ишон», Зухра ва Фотима Жумаева каби келинлари «Саодат», «Ёш куч», «Сирли олам» сингари газета-журналларга езилди. Холбек Каримов аяна ташаббускори бўлиб, бир йула «Зарафшон», «Хабар», «Пастларгом ҳақиқати», «Кино», «Фильм» каби матбуот нашрларига обуна бўлди.

Насриддин
ЭШҚУВВАТОВ,
Самарқанд вилояти



Ўтган йили Бухородаги автомат телефон станцияларининг бир қисми машҳур «ДЭУ» фирмасининг электрон АТСларига алмаштирилган эди. Замонавий АТС абонентларга манзур бўляпти.

Суратда: Марказий АТС оператори Наталья ИСМОИЛОВА АТС жиҳозлари ишини назорат қилмоқда.

Суратқаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ҳурматли Турсунбой Хуртоевич ЗУҲРИДДИНОВ!

Сизни туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз. Барча ишларингизга Оллоҳнинг ўзи мададкор бўлсин.

«ХАБАР» газетаси жамоаси

Қашқадарё вилояти, Чироқчи почта алоқа боғламаси жамоаси корхона ходими Холбиби СУЛТОНОВАНИ 40 ёши ҳамда алоқа соҳасида иш бошлаганлигининг 25 йиллиги билан самимий табриклайди. Унга соғлиқ, узоқ умр тилайди.

«Маҳаллий телеком» акционерлик компанияси жамоаси ҳамда Андижон вилояти давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси ходимлари Шаҳодат Собировна ҲОШИМОВАНИ таваллуд айёми билан табриклайди. Унга узоқ умр, бахт-саодат, ишларида зафарлар тилайди.

Бугунги кунда уяли телефонлардан юртимизда кенг фойдаланилмоқда. Дунёда

УЯЛИ АЛОҚА — ЖУЯЛИ АЛОҚА

эса мазкур алоқа воситаси кўп ривож топган. 1995 йилда мамлакатлар аҳолиси ўртасида ҳар юз кишига неча уяли телефон тўғри келганини сизнинг ҳам таважжуҳингизга етказиб қўяйлик:

Швецияда — 23, Норвегияда — 22, Финляндияда — 20, Австралияда — 14, АКШда — 12 та. Уяли телефонларнинг умумий сони бўйича эса АКШ карбонбошилик қилмоқда — 33 миллиондан ортик. Кейинги ўринларни Япония (10 млн.), Буюк Британия (5 млн.), Италия (3,9 млн.), Германия (3,8 млн.) ишғол этиб турибди.

МАНТЎРЛАР
ВЕЛОСИПЕДЛИ
БЎЛИШДИ

Бухоронинг Вобкент туман электралоқа боғламаси мантўрлар меҳнати сермашақатлигини ҳисобга олиб, 16 нафар шу қасб эгасига корхона ҳисобидан велосипед сотиб олиб берди.

Энди 25 қақиримгача хизматга отланадиган мантўрлар беминнат уловдан фойдаланиб, халққа самарали хизмат кўрсатишяпти.

Даврон БАҲРОНОВ,
Бухоро вилояти

Ҳаёт — жилвали, товляниб турди. Қалб ҳам шундай. Дераза ортидаги боғда ҳам турли хил дов-дарахтлар барг тўкишди. Куз. Эртабллари қаргалар қағиллаши, кундузи чумчуқлар вижир-вижир боғни тутиб кетди.

Дунела ҳамма нарса уткинчи. Бизлар утиб кетамиз, шу боғ, шу маънос дераза кейин ҳам қолармикан? Бир кун келиб бу шовқинли гуша урнига бошқа бир маскан қад ростлар?! Бироқ ортада — келажакда сен бўлмайсан, сенинг давоминг — ўғлинг, ундан бино булган зурриелларнинг қолади-ку!

Фаразд умр давоми. Бироқ ҳаёлингни банд этган руҳий ҳаёт, маънавий мерос. Узингдан олис авлодларга нима қолдирмоқчисан?

...Касалхона боғида туп-туп одамлар айланиб юришибди.

Кўпчилик утиргичларда ҳаёлга берилишган. Ҳаёт давом этаптир.

Япроқларга боқиб туриб вақтинга ачинасан. Йигирма беш йиллик умр сенга нима берди? Йук, сен шу умрингга бирор маъно бахш этолдингми? Уйлаб қарасанг, ортингда бум-буш кунлар,

моҳиятсиз сониялар. Мактаб даври, университет, харбий хизмат, аспирантура... Бошқалар сенга ҳавас билан қарашди, юриш-туришинг сени билган кишиларнинг ҳаваси ва ҳасадини кузгаши мумкин, лекин буларнинг сен учун бир қақалик қиммати йук. Сен ўзингни улардан яхшироқ биласан.

Қизик, қаршингда утирган қиз билан йиғит нималар ҳақида суҳбатлашишадиган экан? Уларга қиз Гулруй единта тушди. Сен

нодонсан. Шундай чиройли, зукко аёлнинг кам-кустини нега бутлаелмайсан? Хотининг кунинча етишмовчиликдан қийналади. Сен эса, журналистликдек ажойиб касбин борлигидан қувонасану бир ойда топадиган мойнаг бир ҳафтага ҳам етмаслигига эътибор бер-

рингни тасаввур қилолмайсан. Унинг маънос қуларини, тиниқ чехрасини, маҳзун қалбини, ожиз бир аёллигини севасан. Сен бутун уз жуфти ҳалолингни тирикчилик юмушларидан ҳимоя қила олмаётганинг учун кейинги лайтларда нимаданлир қаттиқ шубҳалангани бўлиб қолдинг. Нега Гулруй борган сари мендан узоқлашиб бор-

• Кечинма

ЭРТАГА БИЗНИ НИМАЛАР КУТМОҚДА?

майсан. Руҳий ҳаловат яхши. Сен маънавий меҳнатдан қониқиш ҳосил қиласан. Лекин бу ранжу из-тироблар эвазига қорнинг оч қолишини уйлаб ҳам утирмайсан.

Йук, бунақа яшаб бўлмайди. Шу кетишда Гулруйдан ажралиб қоласан. Сен унинг муҳаббатини қозона олмагасан, ишончини ҳам. У сени ёқтирмаслигини яхши биласан. Сен Гулруйсиз ум-

моқда? Нега биз бир уйла яшасак-ла, бир-биримизга бегонаемиз? Бунинг боиси нимада? Бу саволлар ут каби куйдиртувчи, қиличдек кескир, уларга жавобни қалбингдан излайсан.

Кеча кечкурун, сен муголаа қилиб утирардинг. Гулруй боғ ора-лаб кела бошлади. Унинг истиқболига чиқдинг. Гулруй негадир маҳзун эди. У ишдан гапирди, аёл-

лар машмашаси унга екмасди. У қилинадиган ишлар, янги кашфиётлар ҳақида тулиб-толиб гапирди...

Уни автобустача кузатиб қуйдинг. Эртаси кунни ўғлингнинг соғиниб уйга бординг. Гулруй ишдан кеч келди. Сабабини айтмади. Эртаси кун билсанг, у туғри ишхонасидан сени кургани касалхонага борган экан.

...Дераза ортида ҳаёт қайнайди. Ана, икки отахон суҳбатлашиб боришяпти. Қўчладан гувиллаб машина утиб турибди. Боғда гала-говур. Қалбингни нимадир — рашкми, изтиробми кемиради.

«Эртага бизни нималар кутмоқда?» деб ўз олдинга савол қўясан-у, аниқ жавоб тополмайсан...

Юсуф РАСУЛ

Чўлпон

БИЗНИНГ ВАТАН

Ер юзинда ўзга бир олам эрур бизнинг Ватан,
Бошқа ҳар бир ўлкадан кенг, ҳар диёрдан каттақон.
Ҳар томондан юксалиш сорига ташлаб зўр қадам,
Дашту саҳроси анинг гул-гул очилмишдир чаман!

Дарёси аввалгидек, ердан олиб қочмас ўзин,
Чунки пойига унинг маҳкам урилмишдир кишан.
Мунда меҳнат — ҳурлик олган, барча меҳнат аҳли —
хур!

Кимки меҳнат қилса — қувнок, кимки меҳнат
қилса тан!

Фан билан меҳнат икковлон қўл беришкан, иттифоқ,
Эркин-эркин яйрашиб ижод этар меҳнат ва фан!
Янги жамият қуриб дунёга ўрнак бўлгани
Барча меҳнат аҳли бирга, ҳамма жон бир бадан!

Бу Ватанни жон билан сақлашга, Чўлпон, ҳозир ўл,
Кимки қасд этса анга кийсин пушаймондин кафан!

ЯНГИЛАРИДАН ЎҚИНГ

- Эр уйга келса, хотини
инглаб утирган экан.
- Нима бўлди, жон-
гинам?
- Сенга сомса пи-
ширган эдим, итмиз ёб
қўйди.
- Кўй, хафа бўлма,
сенга бошқа иш олиб бе-
раман.
- Беморхонада оёқ қўл-
лари синиб, гисланган
икки эркак ўзаро гурун-
лашарди.
- Ҳўш, қаёқдан бу
фалокатга йўлиқдинг?
- Гаражга урилиб
кетдим.
- Машинанг ҳам па-
чоқ бўлгандир.
- Йўқ, мен яёв ке-
раётгандим.
- Менга қара,
огайни, сен хотинингни
алдайсанми?
- Албатта, бўлма-
са кимни алдай?
- Мен зудлик билан
иш топишим керак. Хо-
тиним, саккизта болам
бор.
- Ҳўш, қўлингдан
яна нима иш келади?
- Энди мактабга
бормайман! — деди би-
ринчи синф ўқувчиси.
- Нега энди бормас
экансан?
- Ўқишни бил-
майман, ёзишни бил-
майман, гапиршига эса
руҳсат беришмас экан.



Хива. Калта минор. Сураткаш Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

• Биласизми?

РЕЗИНА САҚИЧ ЧАЙНАМАНГ

Тиш дўхтирлари резина сақич чайнашда эҳтиёт-роқ бўлишни маслаҳат беришмоқда. Тишга плomba қўйдирганлар резина сақич чайнамаганлари маъқул экан. Сабаби — сақич плombaга ёпишиб, уни жойидан аста-аста кўзгатар ва охир-оқибат чиқариб юборар экан. Кўчаларда, транспортда оғзидаги сақични беўшшов пуфак қилиб шишириб юриш қанчалар кўзимизга хунук кўринишини айтиб ўтирмасак ҳам бўлаверади.

ХОРИЖИЙ ТИЛНИНГ ФОЙДАСИ

Хорижий тилни билиш инсон умрини узайтирар ва фаромушлик (склероз) касалидан фориг этар экан. Урганган ҳар бир янги тил умрни 2-3 фоизга узайтирар, склерозни эса 5 фоизга камайтирар экан.

Икки киши бир кишидан яхши, уч киши икки кишидан яхши, тўрт киши уч кишидан яхши, кўпчилик билан бирга бўлинглар. Тангри умматларимни фақат туғри йўлда боришликка бирлаштиради.

Ароқдан сақланин-
лар, чунки у барча
ёмонликларнинг калити-
дир.

ПАЙГАМБАРИМИЗ НАСИҲАТЛАРИ

Тангри наздида энг
яхши гап — рост гап-
дир.

Тангри наздида бан-
даларнинг энг яхшиси
ўз аҳли-аёлига фойда-
си кўп тегадиган киши-
дир.

Ўзингга ёққан нарса-
ни бошқаларга ҳам ра-
во кўр!

Дўстингни энгилроқ
севгинки, кунни келиб
душман бўлиб қолиши
ҳам мумкин. Душман-
нингга ҳам энгилроқ
адоват қилгинки, кунни
келиб дўст бўлиб қоли-
ши мумкин.

Дехқончилик қилин-
лар, чунки дехқончилик
баракали ишдир. Дех-
қончиликни қўриқлов-
чи соқиларни кўпайти-
ринглар!

Икки жагингиз ва ик-
ки оёгингиз ўртасида-
ги аъзоларингизни
тийинг!

МУАССИС: Ўзбекистон
почта ва
телекоммуникациялар
агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдувоҳид ЖҲРАБОВ
Шухрат ЖАББОР

Анатолий КУДИНОВ
Иzzат АХМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдугани АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Ёкубжон ХҲЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:
Бўризов АХМЕДОВ
ОТАУЛИ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шохрух АКБАРОВ
Меҳмонкул
ИСЛОМКУЛОВ
Тўлқин
ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИКАДИ

Мухарририятга келган қўлғамалар (2 ораликда, 5 бетдан
ошмаслиги лозим) ва сўратлар муаллифларга қайтарилмайди.
Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар
масъулияти муаллифлар зиммасидадир.
Рўйхатга олиш №000011. Буюртма № Г-0701. 9148 нусхада чоп
этилди.

Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табак.
ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
КЕСПЕНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ДУШАНБА, 3

ТЕЛЕМОШАБИНАР ДИҚҚАТИГА!
Профессорлик мунсабати билан 3 ноябрда
ЎЗТБ I курсдустулар олд 17.55 да бошланади.

- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Ораста кийинайлик».
18.30 «Олам ва одам».
18.50 «Шарк тароналари». 23-курсатув.
19.10 «Мен буюк юрт ўғлидурман...» Гроссмейстер Рустам Қосимжанов.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эрталаки.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 Бухорининг 2500 йиллигига бағишланган байрам концерти (такрор).
22.55 «Ўзбекистон ва жаҳон».
23.15 «Бастакор илҳами».
23.45 «Ахборот».

- 00.10 «Жаҳон киноси олдудалари».
00.30-00.35 Ватан тимсоллари.
II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Қундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25 — Эълонлар.
18.20 «Ерилотш». Мультиўпلام.
18.35 «Спорт қитъаси».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Туризм ҳақида».
20.20 «Мусликий йўлка».
20.30 «Ахборот».
20.55 Оханглар ва Эълонлар.
21.15 «Кинонигоҳ».
22.05 Қундалик.
22.15 «Спорт қитъаси».
22.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.
00.05-00.15 Қундалик.

- III
17.55 Янгиликлар.
18.00 «Гарри — қор одам». Қисқа метражли телевизион фильм. 1-серия.
Россия жамоат телевидениеси.
21.35 «Кругозор». Тележурнал.
Россия давлат телевидениеси.
22.00-22.25
22.30 «Ўқшом эрталаки». Бадий фильм (Англия).
24.00-00.20 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10-18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мульткарусель».
19.00, 21.35 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиклар мактаби». Теле-сериял.
19.30 «Дидар».
20.00 «Жаҳон».
20.20 «Умр бахори».
20.35 «Рахурс».
21.05 «Спорт-тайм».
21.40 «БМТ: ислохотлар йўлида».
22.00 «Рақсар халқлари».
22.30 «Иттиҳоси». Бадий фильм.
23.15-23.25 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 4

- I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш дастури.
8.00-8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Бастакор илҳами».
9.00 Биржа ва банк хабарлари.
9.15 «Олам ва одам».
9.35 «Алтомаш алоқлари».
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Инглиз тили.
10.35 «Ун икки йил». Республика кўнграқ театрининг спектакли.
11.35 «Остонаси тиллода».
11.55 «Шарк тароналари». 23-курсатув.
12.15 «Ешлар ва замин».
12.35 Ш. Бошбоқов. «Эшик қоққан ким узи?». Видеофильм.
14.05-14.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Санаъат гунаҳлари».
18.30 «Замин фидойилари».
18.50 «Халқ саломатлиги йўлида».
19.05 «Иттиҳоси».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.50, 23.30 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Биламиз-у, аммо...».
20.10 Оқшом эрталаки.
20.30 «Ахборот».
21.00 «XXI аср бусасида».
21.20 «Хиваниннг 2500 йиллигига бағишланган байрам концерти (такрор).
22.55 «Адолат». Хўқуқий-публицистик курсатув.
23.15 «Вазият».
23.35 «Ахборот».
24.00 «Ҳайоқ кунлар». Кинокўрсатув.
00.25-00.30 Ватан тимсоллари.

- II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Қундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
18.20 «Ерилотш». Мультиўпلام.
18.35 «Палитра».
18.50 «Дройне Велле» тақдим этади.
19.10 «Нафис мажлислар».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Табият дунеси».
20.30 «Ахборот».
21.00 «ХИФ».
21.20 Оханглар ва Эълонлар.
21.30 «Кинонигоҳ».
23.10 Қундалик.
23.20 «Авлодимиз».
23.35 «Акс».
23.55 «Ишбилармонлар ҳафтаси».
00.10-00.20 Қундалик.
III
17.55 Янгиликлар.
18.00 «Гарри—қор одам» Қисқа метражли телевизион фильм. 2-серия.

- Россия жамоат телевидениеси.
7.30-9.00
18.20-21.35
21.35 «Коранингил». Телефильм.
Россия давлат телевидениеси.
22.00-22.25
22.25 Эълонлар.
22.30 «Дано. Мондудай хоним». Бадий фильм. 1-серия (Мўғулистон).
23.40-24.00 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10-18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мульткарусель».
19.00, 21.50 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиклар мактаби». Теле-сериял.
19.30 «Ташрифлар ва таклифлар».
20.00 «Спортлото».
20.10 «Дунё ва болалар».
20.30 «Маҳаллада дуа-дуа гап». Бадий фильм.
21.55 «Авросалтанат».
22.05 «Нафосат тулшани».
22.35 «Хўқуқ ва бур».
22.55 «Бу ажиб дунё».
23.10-23.20 «Хайрли тун!».

- 22.30 «Оқ бурлар». Бадий фильм (Олмония).
00.10-00.30 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10-18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мульткарусель».
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.
19.55 «Сен ҳақингда ва сен учун».
20.10 Мусликий дақиқалар.
20.15 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг курсатувлари.
21.00 «Янги иқтисод».
21.20 «ТВ-IV да немис тўлкини».
21.50 «Ултайгоҳ».
22.20 «ТелеТашриф».
22.40 Мусликий дақиқалар.
22.45 «Европа манзаралари».
23.05-23.15 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 5

- I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00-8.25 «Ахборот».
8.25 «Мўҳаббат наволари». Мусликий дастур.
8.55 «Бокира тўйгулар».
9.15 «Қишлоқ стадионларида».
9.35 «Дунё адабиети».
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.30 Янги адибфони урғанами.
11.00 «Одам бўлмайдими». Бадий фильм.
12.30 «Шукку».
13.00 «Ортим жамоли».
13.30 «Қиёфа». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Малика Иброҳимова.
14.05-14.25 «Соз сеҳри». Мусликий дастур.

- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Фараз» — уики олдун».
18.30 «Бу ёрғун олашда Ватан биттадур...».
18.35 Фольклор-этнографик ансамблларнинг «Илгиз-97» телефестивали.
18.50 «Исмлар тарихи».
19.05 «Жамоат ташкилотлари: маслак ва мақсад».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Тошкент метроси: кеча ва бүгун».
20.10 Оқшом эрталаки.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 Эстрада хонандалари куйлайди.
21.50 «Бухори Шариф».
22.15 «Бирдан бир миллионгача». Публицистик курсатув.
22.35 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Ташриф» (Тошкент) — «Хоразм» (Урганч).
23.20 «Ўзбекистон бастакорлари». Рустам Абдуллаев.
23.55 «Ахборот».
00.20-00.25 Ватан тимсоллари.


- II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Қундалик.
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
18.20 «Ерилотш». Мультиўпلام.
18.35 «Классик куйлар кечаси».
18.55 «Услуб».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Табият дунеси».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Хонадонингизда осойишталик бўлисин».
21.30 Оханглар ва Эълонлар.
21.40 «Кинонигоҳ».
23.10 Қундалик.
23.20-00.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.
III
17.55 Янгиликлар.
18.00 «Гарри — қор одам». Қисқа метражли телевизион фильм. 3-серия.

- Россия жамоат телевидениеси.
7.30-9.00

18.20-21.35
21.35 «Шоҳсула сари йўл». Спорт дастури.
Россия давлат телевидениеси.
22.00-22.25
22.25 Эълонлар.
22.30 «Дано. Мондудай хоним». Бадий фильм. 1-серия (Мўғулистон).
23.40-24.00 «Ахборот» (рус тилида).
IV
17.10-18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мульткарусель».
19.00, 21.50 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиклар мактаби». Теле-сериял.
19.30 «Ташрифлар ва таклифлар».
20.00 «Спортлото».
20.10 «Дунё ва болалар».
20.30 «Маҳаллада дуа-дуа гап». Бадий фильм.
21.55 «Авросалтанат».
22.05 «Нафосат тулшани».
22.35 «Хўқуқ ва бур».
22.55 «Бу ажиб дунё».
23.10-23.20 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 6

- I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Эстрада хонандалари куйлайди.
9.05 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.25 Болалар учун. «Озу».
9.50 «Ўзбекистоннинг намойиш этади: «Дастлабки пойга».
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Ешлар учун. «Мунис қалблар».
10.30 Айбур сабоқлари.
11.00 «Оцеола». Бадий фильм.
12.30 «Хўқуқий жамият сари».
13.00 «Туш томирлар».
13.15 «Хўжа Насриддин». Мультифильм.
13.35 «Фан — таракатли негизи».
14.05 — 15.05 «Биз танлаган йўл». Видео-канал.



- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Кизилқарли учрашувлар».
18.35 «Хидоят сари».
18.55 «Шарк тароналари». 24-курсатув.
19.25, 20.25, 20.55, 22.30 23.40 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эрталаки.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Давр фаразиди». Шароф Рашидов таваллудининг 80 йиллигига.
21.50 Санаъат усталарининг концерти.
22.35 «Тахлил».
22.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Нефчи» (Фарғона) — «Зарафшон» (Навоий).
23.45 «Ахборот».
00.10 — 00.15 Ватан тимсоллари.

- II
9.00 «Мульткарусель».
9.20 «Хайвонот дунеси».
9.40 «Синфдош».
10.00 «Бари ҳазил».
10.10 «Муслиқ салтанати».
10.35 «Жарвани».
10.45 Видео-«О».
12.15 Футбол. Жаҳон чемпионати. Сара-лаш ўйнайди.
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Аралаш-қуралаш». Болалар учун дастур.
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериял.
18.50 «Бир жуфт кўшиқ».
19.00 «Билиб кўйган яхши».
19.10 «Қатрада кўбун».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Дўбляж».
20.15 «Сир».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Мугтойба».
21.20 Оханглар ва Эълонлар.
21.30 «Кино жапондан».
24.00 — 00.10 «Даракчи».

- III
17.55 Янгиликлар.
18.00 «Гарри—қор одам». Қисқа метражли телевизион фильм. 4-серия.
Россия жамоат телевидениеси.
7.30-9.00
18.20-21.35
21.35 Эълонлар.
21.40 «Хусусийлаштириш қадам-бақадам».
Россия давлат телевидениеси.
22.00-22.25
22.25 «Сато». Телефильм.
22.45 «Дано. Мондудай хоним». Бадий фильм. 2-серия.
23.55-00.15 «Ахборот» (рус тилида).

- IV
17.10-18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мульткарусель».
19.00, 21.40 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.
19.50 «Ҳамширлар».
20.10 «02» тўлкинида.
20.25 «Чинсан».
20.55 «Минг бир маслаҳат».
21.10 «Кетейлик, плос».
21.45 «Интерспорт».
21.55 «Каталог».
22.05 «Она».
22.35 «Туркия кеча ва бүгун».
22.55 «Дурдаршан» телекомпаниясининг курсатувлари.
23.25-23.35 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 7

- 6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 «Юзма-юз».
8.45 «Шарк тароналари». 24-курсатув.
9.15 «Бармоқлар сеҳри».
9.35 «Авлод». Публицистик курсатув.
10.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 «Шорлар — болаларга».
10.55 «Истақ бору, маконингчи?».
11.10 Болалар учун фильм. «Итзор».
12.40 «Суварак». Мультифильм.
12.50 «Тасвирга кўнган кўнган».
13.20 Санаъат усталарининг концерти.
14.05 — 15.05 «Сайқал». Видеоканал.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Кўнгли синиклар мактаби».
18.35 «Чемпион билан учрашув».
18.50 Куйш қоти. «Ўзбекистон дея ата-лур». Телефильм.
19.00 «Калб гавҳари».
19.25, 19.50, 20.25, 20.55, 22.05, 00.25 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Ислохот. маланишлар самараси».
20.10 Оқшом эрталаки.
20.30 «Ахборот».
21.00 «Иқтисод адибфони».
21.30 «Муслиқ бўстони». Телеалманаҳ.
21.45 «Битик». Бадий-публицистик курсатув.
22.10 «Омад гилдираги». Телевизион ўйин.
22.30 «Меҳр макони».
«Мунаваар дунё».
Маърифий дам олиш дастури.
23.20 «Олам».
23.40 ЎЗТБ экранда биринчи марта.
«Оқибат». Кўп қисмли телевизион бадий фильм. 12-қисм (Миср Араб Республикаси).
00.30 «Ахборот».
00.55 — 01.00 Ватан тимсоллари.

- II
9.00 «Аралаш-қуралаш». Телесериял.
9.15 «2000-йилдан сўнг».
16.40 Дастурнинг очилиши Эълонлар.
16.45 Ўзбекистон телерадиокомпанияси ка-

- 9.35 «Бир жуфт кўшиқ».
9.45 «Билиб кўйган яхши».
9.55 «Қатрада кўбун».
10.10 «Дўбляж».
10.30 «Сир».
10.40 «Мугтойба».
11.00 — 13.30 «Кино жапондан».

- 18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15, 19.25, 19.50, 20.25, 20.55 — Эълонлар.
18.20 «Бугуннинг боласи».
18.35 «Нозик мўъжиза».
18.45 «Екимли иштада».
19.00 «Бизнес ҳафта ақуллари».
19.10 «Эртага — шанба».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Диннавоз садолар.
20.05 «Тақдим».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ривоят».
21.10 «Уш келибон».
21.25 Оханглар ва Эълонлар.
21.40 «Кинонигоҳ».
23.15 «Бокс. Бокс. Бокс».
23.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.
00.20 — 00.30 «Даракчи».

- III
17.30 Янгиликлар.
17.35 «Гарри — қор одам». Қисқа метражли телевизион фильм. 5-серия.

- Россия жамоат телевидениеси.
7.30-9.00

17.55-21.35

- 21.35 «Муслиқ ҳамма учун». Мусликий дастур.

- Россия давлат телевидениеси.
22.00-22.30
22.30 Эълонлар.
22.35 Наби Раҳимов «Фаложат оёқ остиде». фильмда.
00.10-00.30 «Ахборот» (рус тилида).

- IV
17.10-18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мульткарусель».
19.00, 22.05 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиклар мактаби». Теле-сериял.
19.30 «Бу бўстон аро».
20.20 «Тўнмишис келажак йўқ».
20.50 «Шир-шакар».
21.20 «Машнавийат ва ислом».
21.40 «Ўсиё монитори».
22.15 «Араб эстрадаи».
22.35 «Туйлар муборак». Бадий фильм.
23.40-23.50 «Хайрли тун!».

- 6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Халқ ижодиети».
8.55 «Оқибат». Кўп қисмли телевизион бадий фильм. 12-қисм.
9.40 «Тонг олдун» — мехмонимиз.
«Бешик» студияси намойиш этади:
10.05 «Маҳорат».
10.25 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
10.45 «Омад гилдираги». Телевизион ўйин.
11.35 «Озода бўлса шаҳринг».
12.00 «Истеъдодлар улкидир ҳур Ўзбекистон!» Республика ўси ижодкорлар фестивали.
12.45 «Инсон — ҳайт гўлгози».
13.10 «Мно. болагинам Мно». Бадий фильм.
14.45 — 15.05 «Табаркур қадамжолар».

- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Кўнграқча».
18.20 «Шеър ва шуур».
18.30 «Спорт, спорт, спорт».
19.00 «Шарк тароналари». 25-курсатув.
19.25, 20.25, 20.55, 22.20 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эрталаки.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).

- 20.15 «Омонлик тайляни».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ўзбекистоннинг анги тарихи».
21.30 «Ҳамма кўриши шарт... эмас». Дам олиш дастури.
22.25 «Нуроний». Тележурнал.
22.45 «Сулала».

- «Тўнги вбду».
Дам олиш дастури.
23.15 «Муслиқ савад».
23.30 «Икони кўнграқчи».
23.45 «Тўрт йўл». Бадий фильм. 1-2-сериялар.
02.25 «Мунажжим бишорати».
II
9.00 «Бугуннинг боласи».
9.15 «Нозик мўъжиза».
9.25 «Екимли иштада».
9.45 «Бизнес ҳафта ақуллари».
9.50 Диннавоз садолар.
10.00 «Тақдим».
10.20 «Ривоят».
10.30 «Уш келибон».
10.45 «Кинонигоҳ».
12.20 — 12.35 «Бокс. Бокс. Бокс».
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 «Боланинг тили».
18.30 «Ерилотш».
18.50 «Кўнун хивосида».
19.00 «Табият шифохонаси».
19.10 «Тявч».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бизнес-академия».
20.10 «Омонлик тайляни».
20.30 «Ахборот».
21.00 «Ханда дўкони».
21.20 «Даллас». Телесериял.
22.50 Оханглар ва Эълонлар.
23.00 Видео — «О».
00.35 — 00.45 «Даракчи».

- III
18.55 Дастурнинг очилиши Эълонлар.
19.00 «Самоза йўл». Болалар учун қисқа метражли фильм.
Россия жамоат телевидениеси.
19.40-23.20
23.25-23.50 «Панорама» (рус тилида).
IV
9.00 «Хайри тонг».
9.30 «Парле ву франсе?».
9.55 «Эрталактинг сеҳри олами».
11.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.50 Киносалон. «Юрск давридаги бог». Бадий фильм.
13.50 «Киноси севасизими?».
14.30 «Жонли сайра».
14.40 «Ушаш қиёфалар музейи». Бадий фильм.
16.20 «Шу кўннинг мавзуси».
16.35 Мультақран.
16.50-17.10 «Сенинг вақтинг».
17.10-18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мульткарусель».
18.55 «Менинг кўлам».
19.20 «ТелеТашриф».
19.40 «Иштирок этидилар».
20.10 «Мусликий олимлар».
20.30 «Тошкент оқшомида».
21.00 «Мусликий дунё».
21.35 Киносалон. «Анаконда».
23.15-23.25 «Хайрли тун!».

- (Тошкентдан гилаграмиз ва курсатамиз» теледастуриндан олинди).

- мер оркестри концерти.
Россия жамоат телевидениеси.
17.15-21.35
21.35 Эълонлар.
IV
9.00 «Азобика».
9.20 Эълонлар.
9.25 «Шанба эртаси».
10.25 «Ассалом, Франция!».
10.55 «Кросс-Роуз» кафеига хуш келибониса» («Америкага назар» курсатувига ило-ва).
11.25 «Учуви шифокорлар». Телесериял.
12.10 «Чет эл эстрадаи».
12.40-13.00 «Корейс тилини урганмиз».

- 17.10-18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мульткарусель».
19.00, 22.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм.
19.50 «Шанба оқшомида».
20.00 «Намасте».
20.30 «Сенсативалдан сўнг».
21.00 «Бирганикда куйлайлик».
22.05 «Эсдалик учун дастхат».
22.35 «Самозаги омонлар». Телесериял.
23.20 «Бу ажиб дунё».
23.35 «Гарри — қор одам». Қисқа метражли телевизион фильм. 5-серия.
23.55-00.05 «Хайрли тун!».

ЯҚШАНБА, 9

- 6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

- 8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга зиямат қилман».
11.00 «Олам». Кинокўрсатув.
11.20 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.00 «Болаларга бахшида умр».
12.20 «Туркий уруғлар». Кўнграирот.
12.35 «Шарк тароналари». 25-курсатув.
13.00 «Нодир шахс». Бадий фильм.
14.20 «Ҳамма кўриши шарт... эмас». Дам олиш дастури.
15.10 — 15.00 «Нурли келажак».

- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мултолам.
18.20 Ешлар учун. «Аудитория».
18.40 «Санаъаткор соадати». Мусликий курсатув.
19.00 «Ўзлик». Бадий-публицистик курсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Яқшаба оқшомида».
20.30 «Хафтаном».
21.05 «Олтин дала». Ахборот-мусликий дам олиш курсатув.
22.05 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Дустиқ» (Тошкент вилояти) — «Нефчи» (Фарғона).
22.50 Телевизион миниатюралар театри.
«Асп мўнажжорлар кинодастур».

- 23.20 Кино янгиликлари.
23.35 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
23.55 Туркия Шароф «Мин» фильмда.
01.25 — 01.30 Ватан тимсоллари.
II
9.00 «Боланинг тили».
9.15 «Ерилотш».
9.35 «Кўнун хивосида».
9.45 «Табият шифохонаси».
9.55 «Тявч».
10.10 «Бизнес-академия».
10.25 «Омонлик тайляни».
10.40 «Ханда дўкони».
11.00 «Даллас». Телесериял.
11.50 «Зиндаги ажд мухаббат».
12.10 «Интерфутбол».
12.30 — 14.05 Видео — «О».

- 16.00 Кўрсатувлар дастури.
16.05 Футбол. Жаҳон чемпионати. Сара-лаш ўйнайди.
17.50 «Даракчи».
18.00 Болалар дунеси.
18.15 «Мульткарусель».
18.35 «Турфа олам».
19.00 «Нафосат».
19.10 «Келгуси ҳафтада».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
20.00 «Бу мунис лаҳзалар».
20.30 «Хафтаном».
21.05 «Жарвани».
21.15 «Изоҳ».
21.40 «Даллас». Телесериял.
22.30 «Иллонлар ўйини».
22.50 Тахлил Эълонлар, оханглар.
23.00 Видео — «О».
00.35 — 00.45 «Даракчи».

- 18.55 Дастурнинг очилиши Эълонлар.
19.00 «Самоза йўл». Болалар учун қисқа метражли фильм.
Россия жамоат телевидениеси.
19.40-23.20
23.25-23.50 «Панорама» (рус тилида).

- IV
9.00 «Хайри тонг».
9.30 «Парле ву франсе?».
9.55 «Эрталактинг сеҳри олами».
11.35 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.50 Киносалон. «Юрск давридаги бог». Бадий фильм.
13.50 «Киноси севасизими?».
14.30 «Жонли сайра».
14.40 «Ушаш қиёфалар музейи». Бадий фильм.
16.20 «Шу кўннинг мавзуси».
16.35 Мультақран.
16.50-17.10 «Сенинг вақтинг».
17.1